

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2002 йил 28 февраль пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 42 (2870)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



Марказий Осиё ҳамкорлиги:

## УЗОҚ МУДДАТЛИ ЎЗАРО ҲАРАКАТЛАР МЕЗОНИ

Шу йил 28 февраль куни Олмаотада Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг саммити бўлиб ўтади.

Ушбу учрашувдан кўзланган асосий мақсад илгаридан мавжуд бўлган Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти ( МОИҲ) негизида янги тузилма — Марказий Осиё Ҳамкорлиги Ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномани имзолашдир.

Маълумки, мазкур қарор Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2001 йил декабрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида қабул қилинган эди. Унда имзоланган «Тошкент баёноти»нинг асосий моҳияти ва муҳим жиҳати томонларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга, шунингдек, халқаро майдонда баҳамжиҳат ҳаракат қилишига интилишлари бўлди.

Бу, шак-шубҳасиз Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг миллий манфаатларига бирдек мос келади ва минтақавий ҳамда глобал миқёсда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, МОИҲни Марказий Осиё Ҳамкорлиги Ташкилотига айлантиришнинг долзарблиги, биринчи навбатда, қатор муҳим омиллар билан боғлиқдир. Хусусан, сув ва энергетика заҳираларидан биргаликда фойдаланиш, ҳар томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири — ташқи бозорга чиқиш мақсадида ягона транспорт ва энергетика тизимининг умумий инфратузилмасини яратиш борасида, шунингдек, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳамкорлик қилиш шулар жумласига киради.

МОИҲ доирасида имзоланган ҳужжатларнинг кенг ҳуқуқий асоси, яъни имзоланган 250 атрофидаги ҳужжат, минтақа учун муҳим бир йўналиш — сув иншоотлари ва заҳираларидан тежамкорлик билан ҳамда ўзаро манфаатли тарзда фойдаланиш борасида мувофиқ равишда қўйилган қадамлар бугун МОИҲни Марказий Осиё Ҳамкорлигига айлантиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этди. Бу ҳаракат эса, биринчи навбатда, интеграция жараёнларини кенгайтиришга қаратилгандир.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мазкур учрашуви Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг барча қирраларини чуқурлаштириш ва ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлади ҳамда иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик орқали минтақавий ҳамда глобал аҳамиятга эга муҳим масалаларни ҳал қилиш учун қулай шарт-шароит яратади.

**Аслам АКБАРОВ,**
**«Жаҳон» АА шарҳловчиси.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Мамлакатимиз парламентида «Икки палатали парламентнинг ташкил этилиши, фаолияти ва истиқболи билан боғлиқ масалалар» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳамда Тошкент давлат юридик институти томонидан ташкил этилди.

Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, ТАСИСнинг «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёни ривожланишига кўмаклашиш» лойиҳаси вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари, Тошкент давлат юридик институти олимлари ва ўқитувчилари, шунингдек, бир қатор бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Миллий давлатчилик институтини янада ислоҳ қилиш, икки палатали парламентни тузиш, унинг фаолияти масалалари юзасидан ҳуқуқшунос-олимлар ва амалиётчиларнинг маърузалари эшитилди.

Анжуман қатнашчилари шу йил 27 январда бўлиб ўтган, халқимиз кейинги чақириқда Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламенти сайланишига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколатлари муддати беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартирилишига розилигини изҳор этган умумхалқ референдуми якунлари масалаларига тўхталиб ўтдилар. Таъкидлаб ўтилдики, референдум фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириши муҳитида ўтди, одамларнинг дунёқарашини кўп жиҳатдан ўзгартирди, халқимиз ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга тайёрлигини кўрсатди.

Илмий-амалий анжуман қатнашчилари муҳокама қилинган мавзу юзасидан фикр алмашиш пайтида мазкур анжуман муҳим ва долзарб эканлигини қайд этдилар, Ўзбекистон давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонун устунлиги, ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши, ошкоралик ва ижтимоий адолат демократик принципларига асосланган ўзига хос моделини вужудга келтираётганини алоҳида таъкидладилар.

Анжуман қатнашчилари амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ва қонун яратиш ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ таклифлар билдирдилар. Хусусан, шу нарса таъкидландики, қонунларга киритиладиган ўзгартишлар ўзаро уйғун, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принципларига тўла мувофиқ бўлиши, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ўзаро муносабатларининг турли жиҳатларини қамраб олмоғи лозим.

Илмий-амалий анжуман якунлари парламент фаолиятини мустаҳкамлаш, жамоат ва давлат ишларини бошқаришда давлат ва жамоатчилик институтларининг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, жаҳон парламентаризм тажрибасини маҳаллий шароитларни ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда умумлаштириш ишига қўшилган яна бир муҳим ҳисса бўлади.



## «ЯНГИ ВЕГА»нинг пойабзаллари

***Янгийўл шаҳрида «Янги Вега ЛТД» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси очилиши туфайли савдо пештахталарида сифатли пойабзал маҳсулотлар тури кўпайибгина қолмасдан, балки 150 нафар киши янги иш жойи билан таъминланди.***

*Яна бир эътиборли жиҳати шуки, илгари бу ерга хомашёнинг 100 фоизи четдан келтириларди. Маҳаллийлаштириш дастурининг ижроси натижасида эса ҳозир ана шу кўрсаткич 60 фоизга туширилди.*

*Ўтган йили меҳнат аҳли 201 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарган бўлса, бу йил улар 280 минг жуфт маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.*



**СУРАТЛАРДА:** оператор Жума Абишев; тикувчилик цехида.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## Шартнома имзоланди

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова таклифига биноан мамлакатимизга Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил, профессор Анджей Цолл раҳбарлигидаги Польша делегацияси ташриф буюрди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили бошқа мамлакатлардаги Омбудсман институтлари билан алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мазкур учрашув ҳам ана шундай саъй-ҳаракатларнинг яна бир мевасидир.

Польша ва Ўзбекистон Омбудсман институтлари ўртасидаги алоқаларга 1999 йилда асос солинган эди. Ўшанда Ўзбекистон делегацияси Варшавага ташриф буюриб, Польша Омбудсман институти фаолияти билан атрофлича танишган ва ўзаро ҳамкорлик юзасидан шартнома имзоланганди.

25 февраль куни Тошкентда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага асосан бу икки институт мунтазам ўзаро тажриба алмашиб туради. Унда Инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш, қонунчилик актлари бўйича маълумот олиб туриш ҳам кўзда тутилган.

Имзоланган ҳужжатга мувофиқ икки мамлакат Омбудсман институти трейнинг, конференция ва сафарлар уюштиришда бир-бирига кўмаклашишни ҳам ўз зиммаларига олишган. Шартнома беш йилга мўлжалланган бўлиб, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

**Ўз мухбиримиз.**

## Маслаҳат кенгаши йиғилиши

Тошкентда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Маслаҳат кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур кенгаш раиси Р.Шоғуломов бошқарди.

Таъкидланганидек, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсисчилари йиғилиши қарори билан мазкур ҳаракатнинг жамоатчилик асосидаги Маслаҳат кенгаши жорий этилган эди. Унинг таркибига ёшлар тарбиясига алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, сиёсий партия, ҳомий ташкилотлар ва етакчи олий ўқув юртлари вакиллари киритилган.

Ҳаракат тизимларининг барча йўналишдаги фаолиятини йўлга қўйишда илмий-услубий тавсиялар бериш, амалий ёрдам кўрсатиш, жойларда иш ривожига тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликлар ечимини топишда кўмаклашиш Маслаҳат кенгашининг асосий мақсад ва вазифалари этиб белгиланган. Ўтган даврда бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Ҳаракатнинг дастур ва низомида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, молиявий-иқтисодий негизини ва моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратилди.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги тизимлари ва бошқа жабҳаларда ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари тузилди.

Ҳаракатнинг ташкилий асосларини шакллантириш, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш сингари масалаларга бағишланган ўқув-амалий семинарлар уюштирилди. Ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, турли салбий оқимлар таъсирига берилиб кетишининг олдини олиш мақсадида тадбирлар ўтказилди.

Йиғилишда ўтган даврда эришилган ютуқлар билан бирга мавжуд муаммолар ҳам атрофлича таҳлил этилди. Келгусида Маслаҳат кенгаши аъзолари, турли давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳаракат фаолиятидаги иштирокини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Д.Ғуломова иштирок этди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ҲОЖИЛАРИМИЗ ЗИЁРАТДАН ҚАЙТДИ

***Бутун дунё мусулмонлари учун муқаддас ибодат ойи ҳаж мавсуми ниҳоясига етди. Тангри розилигини истаб ҳаж сафарига отланган юртдошларимизнинг дастлабки гуруҳи Тошкентга етиб келди.***

***Шу муносабат билан ҳожиларимиз раҳбари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори БАҲРОМОВ ҳазратлари ЎзА мухбирига интервью берди:***

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Яратганнинг марҳамати ила улуғ сафарга руҳан ва жисман ҳозирланган барча мўмин-мусулмонлар қатори биз, ўзбекистонлик фуқаролар ҳам Саудия Арабистонидаги Байтуллоҳ ва бошқа муқаддас жойларни соғ-саломат зиёрат қилиб, маънавий-руҳий покланишга мушарраф бўлдик. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида диёримизда мусулмонларнинг муборак зиёратга уюшган ҳолда бориб-келишлари тартиби давлатимиз томонидан жуда яхши йўлга қўйилганлиги боис сафар давомида ташвишу қийинчиликларга дуч келмадик.

Аллоҳимизнинг иродаси, истиқлол шарофати ва Юртбошимизнинг улкан ғамхўрлиги туфайли ҳар йили минглаб юртдошларимизга Маккаи мукаррамада Каъбаи муаззамани тавоф қилиб, Мадинаи мунавварани ва бошқа муқаддас жойларни зиёрат этиб, Ислом динининг бешинчи арконини мукаммал адо этиш насиб этмоқда. Бунинг учун ҳожиларимиз Мустақиллигимиз пойдевори янада мустаҳкам, халқимиз тинч-омон, ҳаёти фаровон бўлишини Тангридан илтижо қилиб, дуода бўлмоқдалар.

Муборак ҳаж сафарини кўнгилдагидек ташкил этишда бизга яқиндан ёрдам берган барча ҳамюртларимиз ҳақига ҳам дуодамиз. Иншооллоҳ, Яратган парвардигор ҳузурида якдиллик билан адо этган ибодатларимиз давомида қилган илтижоларимиз, эзгу тилакларимиз ижобат бўлгай.

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**ЎзА мухбири.**

## Мустақиллик учун курашлар тарихи

Тақдимот

Кеча пойтахтимиздаги «Темурийлар тарихи давлат музейи»да Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти олимлари томонидан сўнгги йилларда нашр этилган янги китобларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Уни ФА вице-президенти профессор Тўра Мирзаев қисқача кириш сўзи билан очди. Тарих институти директори Дилором Алимова чоп этилган китобларнинг аҳамияти ҳақида гапирди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридан сўнг ушбу илм даргоҳи республикада тарих соҳасидаги тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи илмий марказ мақомини олди. Институт олимлари томонидан ўзбек халқининг собиқ совет даврида атай унутилган ёки бир ёқлама тадқиқ этиб келинган бой тарихини илмий холислик асосида тиклаш ва халққа етказиш борасида қатор салмоқли ишлар амалга оширилди. Айниқса, сўнгги икки йилда 19 та монография, 19 та илмий, илмий-оммабоп рисола, 1 та дарслик нашр қилинди.

Ушбу нашрлар асосан ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихининг долзарб муаммоларига бағишланган бўлиб, уларда тарихимизда ўз ечимини топмаган қатор жараёнлар, чигал воқеа-ҳодисалар аниқ манбалар, архив маълумотлари ва илмий адабиётлар асосида очиб берилган. Жумладан, ўзбек ва рус тилларида чиқарилган «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари» монографияси ўлкамиз давлатчилигининг қадим даврлардан XX аср бошларигача бўлган тарихига бағишланган илмий лавҳаларни ўз ичига олади.

«Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар» китобини юқоридаги асарнинг мантиқий давоми дейиш мумкин. Чунки мазкур китобда қадимги юртимиз давлатчилиги ва ҳуқуқи цивилизацияси чуқур таҳлил қилинган.

«Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши» монографиясида ўлкамизда чор Россияси ва шўролар империяси ҳукм сурган давр, Туркистон ва Ўзбекистон миллий бойликларини талаб кетиш жараёни таҳлил этилган, мустамлакачилар юргизган маккорона сиёсатнинг туб мазмун-моҳияти очиб берилган.

Шунингдек, «Мустақиллик учун курашлар тарихидан» ва «Туркистон миллий озодлик ҳаракати», «Туркистон мухторияти», «Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари» монографиялари ҳамда ўрта умумтаълим мактабларининг 10-синф ўқувчилари учун «Ўзбекистон тарихи» дарслиги ҳам нашр қилинди. Умуман олганда, институт томонидан бундай қизиқарли ва долзарб мавзулардаги китобларнинг яратилиши тарих фанини янги поғоналарга кўтарибгина қолмай, халқимизнинг ўзлигини теран англашига ҳам кўмаклашади. Бундай китобларни ўқиган киши халқимиз нақадар бой маънавиятга эга эканлиги, биз танлаган ривожланиш йўлининг қанчалик тўғрилигига яна бир карра ишонч ҳосил қилади.

**Ўз мухбиримиз.**

## Мамлакатимизда



**• Олмаликдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси яна тўла қувват билан ишлай бошлади. Шу йилнинг январь ойида корхона истеъмолчиларга 33 минг 895 тонна минерал ўғит етказиб берди. Ҳозир корхона кунига 1200-1300 тонна минерал ўғит ишлаб чиқариб, харидорларга пешма-пеш жўнатмоқда.**

**• Ёзувчилар уюшмасида Болалар адабиёти кенгашининг 2001 йилги фаолиятига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Уюшма раиси Абдулла Орипов бошқарган ушбу тадбирда кейинги йилларда болалар адабиётини ривожлантиришда муайян ютуқларга эришилгани, шу билан бир қаторда кичкинтойлар учун чоп этилаётган китобларнинг камчиликлардан ҳоли эмаслиги таъкидланди.**

**• Фарғона вилояти Данғара туманидаги Телеминг қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Энди яқин-атрофда истиқомат қилаётган саккиз мингга яқин аҳоли туман марказига қатнамайдиган бўлди. Бу ерда замонавий лаборатория хоналари, акушер-гинеколог, стоматология, жарроҳлик, нур билан даволаш, функционал диагностика, кундузги даволаш бўлимлари ишлаб турибди. Шифо маскани малакали тиббиёт ходимлари билан таъминланган.**

**Шунингдек, Бойбўта қишлоғида ҳам ана шундай қишлоқ врачлик пункти қурилиши ниҳоясига етмоқда. Ҳозир туман ҳудудидаги Катта Ганжировон, Оқтепа, Олахашак, Доимобод, Абдусамад ва Тайпоқ қишлоқларида ҳам янги ва замонавий қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.**





**• Косонсой туманида ўтказилган меҳнат ярмаркасида бир қатор кичик корхона ва фирмалар 100 та бўш ишчи ўринлари билан иштирок этишди. Унда 282 нафар фуқаро ўзини қизиқтирган масалалар бўйича ҳуқуқий маслаҳат олган бўлса, 35 киши доимий меҳнат жойини топди. Уларнинг аксарияти кичик ва ўрта бизнес корхоналарини танлашди. Жумладан, Юмалоқшайхмозор қишлоғидаги сочиқ тўқиш цехининг ўзида 14 нафар хотин-қиз иш бошлади.**

**«Халқ сўзи», ЎзА, «Туркистон-пресс».**

*Солиқ тўладингизми?*

## Яширилган даромад юқмайди

Дилмурод Раҳмоновнинг хусусий савдо дўкони Ургут шаҳридаги Навоий шоҳ кўчасида жойлашган. Пештахталар ранг-баранг ичимликлар, турли хил сигареталарга тўла.

Ургут туман давлат солиқ инспекциясининг назорат тартибида текширишларни ташкил этиш гуруҳи ходимлари Н.Қаҳҳоров ва У.Саломов бюджетга тўловларнинг тушишини таҳлил эта бориб, шу дўконга ҳам бирров кириб чиқишга жазм этишди. Киришди-ю, назорат касса машинаси ўрнатилмаганлигини кўриб ҳайрон қолишди. Қоида бўйича турғун савдо шохобчаси аллақачон назорат касса машинасига эга бўлиши керак эди.

Гап гапга урилиб Дилмуроддаги тижорат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи қайд гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтган йилнинг 30 сентябридаёқ тугаганлиги маълум бўлди. Тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома (лицензия) эса умуман йўқ.

Ўтган йилнинг 16 июлида ҳам шундай назорат тартибида текширув ўтказилганида дўконда 84 минг сўмлик ҳужжатсиз ва акциз маркасиз спиртли ичимликлар ҳамда тамаки маҳсулотлари сотилаётганлиги маълум бўлган эди. Ўшанда солиқчилар расмийлаштирган ҳужжатлар асосида туман суди Дилмурод Раҳмоновни 19 минг 600 сўм жаримага тортган ва ноқонуний маҳсулотларни давлат фойдасига мусодара этган эди.

Берилган жазо Дилмуродга сабоқ бўлмаган экан. Камчиликларни тугатиш, ишни амалдаги қонун-қоидалар асосида ташкил этиш ўрнига яна пулнинг кетидан қувишни давом эттирган экан. Унинг хатти-ҳаракатларида спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари билан ноқонуний савдо қилиш жинояти аломатлари мавжудлиги боис тўпланган текширув ҳужжатлари қонуний чора кўриш учун Ургут туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлимига юборилди.

Пулга тузоқ қўйиб, топганини «ини»га яшираётган тадбиркорлардан яна бири Акмал Икромов туманида қўлга тушди. Туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари Х.Мўминов ва Ф.Файзиев томонидан белгиланган тартибда ўтказилган текширув давомида «Вадим ота» хусусий фирмаси раҳбари Николай Шушкарев кейинги икки йил давомида 5,5 миллион сўм ялпи даромад солиғини кам ҳисоблаб, бюджетдан яшириб қолганлиги маълум бўлди. Наманган туманидаги «Тоҳирбек» хусусий фирмаси раҳбари Толиб Ҳакимов эса салкам 200 минг сўм даромад солиғи ва пенсия жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган 117 минг сўм ажратмани яшириб қолибди. Мана энди уларнинг сирлари ошкор бўлгач, кўзларини қаерга яширишни билмай элюрт олдида мулзам бўлиб турибдилар.

***Жасур НОСИРОВ.***

## Чет элларда



***• Ироқ ҳукумати шу йил март ойининг бошларида қуролланишни назорат қилувчи халқаро инспекторларни давлатга қайтариш масалалари бўйича БМТ билан музокараларга тайёр эканлигини тасдиқлаган.***

***• Афғон сиёсатчиси ва собиқ бош вазири Гулбиддин Ҳикматиёр Эронни тарк этган. У 1996 йилда ҳукумат тепасига толиблар келгандан сўнг Теҳронда яшаётган эди. Ҳозирча Ҳикматиёрнинг қаерга йўл олгани номаълум. Эслатиб ўтамиз: Афғонистон Мувaққат ҳукумати ташқи ишлар вазирлиги вакили ўтган куни Ҳикматиёр Афғонистонга қайтадиган бўлса у ҳарбий жиноятларда айбланиб судга берилишини маълум қилган эди.***

***• Буюк Британия Латвиянинг НАТОга аъзо бўлиш ҳақидаги илтимосномасини қўллаб-қувватлайди. Буюк Британия мудофаа вазири Жефф Хун айтишича, Латвиянинг НАТОга аъзо бўлиши Европа хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.***

***• Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди Гана давлатига 3,7 миллиард АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам кўрсатишга қарор қилишган. Бу маблағ Ганага ташқи қарзларнинг бир қисмини узиш учун берилади.***



***• Рио-де-Жанейро шаҳрида тропик безгак касали эпидемияси тарқалмоқда. Ҳозиргача шаҳар ва унинг атрофидаги касалланганларнинг 18 нафари қурбон бўлган. Шифокорларнинг айтишича, эпидемия келгуси ойларда янада кўпроқ тарқалиши мумкин. Бунга тез-тез жала қуйиши ва ушбу вирусни тарқатувчи ҳашоратларнинг кўпайиши сабаб бўлмоқда.***

***• Вулканологлар тез орада Конго Демократик Республикасининг Гома шаҳри яқинида янги «Ньямурагира» вулқони отилиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.***



***• Сингапурда Осиёда энг йирик «Asian Aerospace-2002» авиация техника кўргазмаси очилди. Авиашоу 3 мартгача давом этиб, унда 400 дан зиёд авиакомпаниялар иштирок этишади.***

***«Интернет».***



# МАРДЛАР
## ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ



### Аскар дилидаги битиклар

• Шу байроқ юртимнинг озодлик туғи. Унинг доимо ҳилпираб туриши менинг жасурлигимга, мардлигимга боғлиқ!

• Орқамда киндик қоним томган Ватан бор! Унинг муқаддас тупроғини ғараз ниятли ёт кимса босмаслигига мен жавобгарман, масъулман!

• Ота-онам — менинг энг азиз кишиларим. Юртни қўриқлаш, осойишталигини таъминлаш билан азизларимни, барча элдошларимни ҳимоя қилган бўламан!

*Тасаввуримизда сержант ҳақида фикрлар бор эди. Дейлик, у кичик командир, офицерларнинг яқин ёрдамчиси ва ҳоказо. Аммо бу вазифалар тўлақонли бажарилмаётган эдида. Бунинг натижасида офицерлар ва аскарлар ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини бажарувчи сержант ўзини оқлолмай қолди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Ахир сержантларнинг аксарияти муддатли ҳарбий хизматини ўтаётган, сафдошларидан бироз устунлиги бор йигитлар бўлган. Улар муайян даражада ўқитилган бўлиши мумкин. Бироқ тўлақонли билим, малака берилмаган. Ўз вазифасини англаб етгунича эса муддатли хизмати ҳам ниҳояланган.*

# КИЧИК КОМАНДИРНИНГ КАТТА МАСЪУЛИЯТИ



Профессионал армияга ўтар эканмиз, табиийки бундай бўшлиқлар жанговар тайёргарлик даражамизга таъсир этиши мумкин. Айниқса, бу ўринда шахсий таркиб қалбига йўл топишнинг муҳим омили бўлган сержантлик институтини шакллантирмай туриб, юксак натижаларга эриша олмаймиз-да. Қолаверса, ривожланган давлатларнинг замонавий ҳарбий қурилишидаги илғор тажрибаларида сержантлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Уларга катта умид билан қаралган. Демак, сержантлар тайёрлаш мактабларини ташкил этиш юқорида санаб ўтилган долзарб вазифаларни ҳал этиш, Қуролли Кучларимизни янада такомиллаштириш заруратидан келиб чиқди. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримовнинг Қуролли Кучлар 10 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай сўзлар бор: «Ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг мутлақо янги шакллари — сержантлик мактаблари ташкил қилиш, Қуролли Кучларнинг янгича таркибини ташкил этиш, махсус операцияларни амалга оширувчи кучлар батальонлари тузиш, компьютер ва замонавий услублар асосида моделлаштириш жараёнларини ўз ичига олган янги таълим усуллари жорий этилмоқда.

Буларнинг барчаси дунёдаги етакчи армиялар ҳамда Қуролли Кучларнинг қурилиши ва таркибий тузилишини, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг замонавий усулларини, ҳарбий фан ютуқларини ва шунингдек, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ўтказилган ўқув машқлари ва ҳамкорлиги жараёнида орттирилган тажрибаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида амалга оширилмоқда».

Мана, сержантлар тайёрлаш мактабларининг илк битирувчилари бугун қисм ва бўлинмаларда ўз фаолиятларини бошладилар. Хўш, улуғвор мақсаднинг илк самараси ҳақида сўз оча оламизми?

Ҳа, ҳеч муболағасиз. Мазкур мактабни тугатишган кичик командирларнинг хизмат фаолиятларини кузатар эканмиз, уларда касбий маҳоратнинг юксаклигини, замонавий ҳарбий билимларни эгаллашганини, энг муҳими, бу билим ва кўникмаларни шахсий таркибга сингдира олишнинг илғор усулларини билишларини англайсиз.

Келинг, яхшиси сержантлар тайёрлаш мактабини аъло баҳоларга тугатган, ҳозирда Қуролли Кучларда самарали фаолият олиб бораётган айрим кичик командирларнинг сўзларига қулоқ тутиб, кўзланган мақсад қанчалар мева бераётганини ўзларидан эшитайлик.

**Кичик сержант Бахтиёр БОЗОРОВ:**

— Сержантлар тайёрлаш мактабида ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳам ўргатилгани айни муддао бўлди. Шахсий таркиб билан ишлашда гоҳо ўша тажрибалардан фойдаланиш ҳам қўл келмоқда. Касбий маҳоратнинг шаклланишида гап кўп эканлигини чуқур англаб етаяпман. Мен командирлик қилаётган бўлинма посбонлари мавсум машғулотларида фаоллик кўрсатишяпти, ҳарбий низомга зид муносабатлар йўқ. Бу ҳам бўлса сержантлар тайёрлаш мактабида олган билимларим самараси.

**Кичик сержант Обиджон ЮСУПОВ:**

— Ҳар бир аскар қалбига йўл топишга уринаётганим ўз самарасини бермоқда. Посбонлар билан алоҳида-алоҳида иш олиб боришга ҳаракат қилаяпман. Қўл остимдаги ҳар бир аскар ҳақидаги маълумотларни ён дафтарчамга қайд қилганман. Сержантлар тайёрлаш мактабида устозларим «кичик командир аскарнинг энг яқин дўсти, сирдошига айлангандагина тажриба ўз сўзини айтади» дейишарди. Мана, буни амалда қўллаб, исботини кўраяпмиз.

**Алижон САФАРОВ,**
**капитан.**

Ифтихор!

# ДИЛШОДЛАР



Уларнинг билагида кучи бор, қоматлари чайирдек. Тинимсиз машғулотлар, кеча-кундуз тер тўкиш орқали эришишган бунга. Янами? Яна уларнинг юрагида ўти бор. Бу — энг кераги. Устозларининг гиламда орият учун беллашгин, орқангда йигирма беш миллионлик халқ сенга умид кўзини тикиб турганини унутма, дея берган насиҳатлари алангалатган шу ўтни. Қалбни чулғаётган олов уларни рақибига шердай ташланишга ундайди. Йўқ, биз муболаға қилмоқчи эмасмиз. Аксинча, Дилшодларимиз баҳсини кузатган хорижий мутахассисларнинг эътирофини айнан келтирмоқчимиз холос: "Ҳамласини қаранг, шернинг панжасидай ушлаган жойини қўйвормайди-я".

Мана шу суратлардан танигандирсиз Дилшодларимизни. Иккаласи ҳам жаҳон чемпиони. Шоҳсупанинг баланд жойида тургани Д. Орипов — юнон-рум кураши бўйича ўз вазнида тенгсиз спортчи. Кулгичидан самимийлик ёғилаётгани Д.Мансуров — эркин курашда барча рақибларини силтаб отадиган полвон. Дилшодни олқишлаётган Адҳам Очиловни ҳам дарров танигандирсиз. Унинг ғалабалари шаънига мамлакатимиз мадҳияси бир неча бор турли давлатларда чалинган. Ўзбекистон Президентининг фармони билан бу полвон "Шуҳрат" медали, республикада хизмат кўрсатган спортчи фахрий унвони билан тақдирланган. Дарвоқе, Адҳам ҳақли равишда яқинда нашрдан чиққан "XXI аср: истиқболимиз тимсоллари" китобидан ўрин олган.

Хўш, ёшгина ўғлонлар қандай қилиб шунчалик катта натижаларга эришишди? Бу саволга жавоб топишдан олдин қуйидаги далилларга тўхталмоқ жоиз.

Эркин ва юнон-рум кураши Олимпия ўйинлари таркибидан ўрин олган энг қизиқарли ва оммабоп спорт турларидан бири ҳисобланади. Зотан яккама-якка беллашувлар ҳар қандай спорт байрамини безайди, ғолиб полвоннинг Ватанини бутун жаҳонга машҳур қилади. Шунинг учун ҳам 90-йилларнинг бошидан Ўзбекистонда ушбу спорт турларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилди. Спорт якка курашлари ассоциациясининг моддий-техник базаси яхшиланди, полвонларга халқаро талаблар даражасида шароит яратилди. Мамлакатимизда Гран-при туркумига киритилган "Мустақиллик кубоги" халқаро турнири анъанавий тарзда ўтказиладиган бўлди. Эслатиб ўтамиз, дунё бўйича ҳар йили 50 дан ошиқ халқаро мусобақалар ташкил этиладиган бўлса, шундан 5 тасигина Гран-при туркумидан жой олган.

Бу ҳам майли. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Ҳаваскор курашчилар халқаро ассоциацияси(FILA)нинг олий ордени — "Олтин маржон" билан мукофотланди. Мамлакатимизда эркин ва юнон-рум курашини ривожлантиришга катта ҳисса қўшгани учун FILA раҳбарияти Юртбошимизни ана шундай нуфузли мукофотга лойиқ деб топди.

Кураш — ватанпарварлик тимсоли деймиз. Биз энг азиз нарсалар учун доим мардона курашиб келганмиз. Бундан кейин ҳам курашамиз. Ватан ҳимояси учун, юрт обрўйи учун, мамлакат шуҳрати учун, миллат орияти учун. Балки шунинг учун ҳам энг севимли спорт туримизни кураш деб атармиз!? Балки шунинг учун ҳам полвонларимизни қадрлармиз!?

Спорт якка курашлари ассоциацияси таркибидаги клубларда бугун юзлаб, минглаб ёш полвонлар машғулотларга зўр беришган. Улар бу йил Киев ва Лейпцикдаги халқаро турнирда, Яригин Гран-присида, Пусанда ўтказиладиган Осиё ўйинларида, жаҳон ва қитъа чемпионатларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қизғин тайёргарлик кўришаяпти. Модомики, улар кўп марта дилимизни шодлайди дейишга асосимиз етарли.

— Ўзбекистон яна бир жиҳатдан кўпчиликни қойил қолдирди, — дейди Спорт якка курашлари ассоциацияси президенти С.Абдувалиев. — 2001 йилнинг ўзида мамлакатимизда ҳам Гран-при туркумидаги халқаро турнир, жаҳон чемпионати юксак савияда ўтказилди. Ўзининг имкониятларига ишонган давлатгина шундай ишга қўл уриши мумкин. Ўзбекистон бунинг уддасидан чиқди, олқишларга сазовар бўлди.



Бу олқишларда Дилшодларимизнинг ҳам улкан ҳиссаси бор. Д.Мансуров пойтахтимизда уюштирилган жаҳон чемпионатида нафақат мухлисларни қувонтирди, балки хорижий мураббийлар юрагига ҳам ғулғула солди. Ахир аввалги йиллар ўзларига насиб қилиб келган улоқни ўзбекистонлик йигитча ростакамига тортиб олса яна қандай ҳолат юз бериши мумкин. Энди Дилшодни тўхтатиб қолишнинг иложи йўқ эди.

Д.Орипов эса қадим Грециянинг Патра шаҳрида юрт байроғини баланд кўтарди. Юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатининг 58 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан полвонимиз олтин медални қўлга киритгани барчамизнинг дилимизни шодлади. Терма жамоа бош мураббийи Комил Фатхулиннинг таъкидлашича, Дилшоднинг бу ғалабасини узоқ кутдик. Чунки ҳали ҳеч бир вакилимиз катталар ўртасида бундай шарафга муяссар бўлмаган эди.

Куни кеча Д.Ориповга ажойиб ютуғи учун пул мукофоти берилди.

Дилшоднинг бу ғалабаси юртимизда мазкур спорт турининг ривожи янги поғонага кўтарилганидан дарак беради. Қаҳрамонимизнинг маҳорат ва тажрибаси ошишида мамлакатимизда ҳар йили ўтказиб келинаётган Гран-при турнирларининг муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз...

Уларнинг билагида кучи бор. Ғамхўр Президенти, устозлари бор. Юрагида ўти бор.

**Озод РАЖАБОВ,**
**"Халқ сўзи" шарҳловчиси.**

## САВОЛ БИЗДАН...

Францияда кичик маъмурий-худудий бўлинма нима деб аталади?

136-35-60

**Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:**

***Моварounнаҳр.***

Бу ҳақда Ш. Шомукаррамов, Ш. Полвонов, О. Қудратов, Б. Холбоев ва бошқалар хабар беришди.


Россия фирмаси
йигирув ишлаб чиқариш чиқиндиси - қайта тараш тарандиларини юқори нархларда сотиб олади.
Стандарт №15
Тел.: (99871)169-39-06; 169-70-67.


ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

# Гиёҳвандлик – хавфли иллат

Инсоният тарихи давомида бошидан кечираётган энг кучли офатлардан бири бўлмиш гиёҳвандлик ўз комига кўплаб «қурбонлар»ни тортиб келмоқда. Барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари қатори ички ишлар ходимлари ҳам уларнинг турли хил найрангларини фош этишмоқда. Яқинда Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний равишда сотишга уринган бир гуруҳ шахсларнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди.

Пойтахтдаги Ҳамза метроси олдида Қашқадарё вилояти Муборак туманида яшовчи Ф.исмли шахс 2 килограмм 504 грамм бўлган героин гиёҳвандлик моддасини шериги Тошкент шаҳрида яшовчи, касби шифокор бўлган Т. билан биргаликда сотиш режасини тузаётган вақтда ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

— Буни мен Т.нинг гапи бўйича Тожикистондан олиб келдим, дейди Ф (айбланувчи). У киши бу «мол»га харидор тайин, пуллари билан кутиб турибди, деган эди.

— Менинг уч нафар фарзандим бор, — дейди гапга қўшилиб Т. (айбланувчи). Бу қилмишимдан минг бора пушаймонман. Нафсни чегаралаб ололмадим, кўзимга фақат мўмай даромад кўринибди. Бироқ...

Маълумки, кейинги пайтда Тожикистон Республикасидан Россия Федерацияси томон ҳаракатланаётган поездлар ва автоуловларда айрим кишиларнинг гиёҳвандлик моддаларини олиб ўтишга уринишаётгани сир эмас. Айниқса, бундай гиёҳванд модда ташувчилар орасида аёлларнинг ҳам кўплаб учраётгани кишини ташвишга солади.

Яқинда республика Ички ишлар вазирлиги ходимлари ўтказган тезкор тадбирлар натижасида Душанбе-Москва поездининг 14 вагонида кетаётган Ҳисор тумани Шарора қўрғонида яшовчи, ишламайдиган С.нинг сумкаси ичидаги сузма солинган идишда 6 та елим халтачаларга ўралган 3 килограммдан зиёд энг кучли таъсир этувчи героин гиёҳванд моддаси борлигини аниқланди.

Ҳа, арзимаган чойчақа эвазига холис хизмат қилаётган С. каби аёлларнинг тақдирига қора чизиқлар тушишида биргина улар айбдор эмас.

Қолаверса, «наркобизнес»чиларнинг фойда кетидан қувиб топганлари, эртами-кечми, симтўр орти бўлишлигини унутмаслик керак. Кишиларни заҳарлашга уринган, унинг соғлиғига путур етказмоқчи бўлган кимсаларга қонун ҳеч қачон шафқат қилмайди.

**Шерали АНВАРОВ,**
**ИИВ Матбуот маркази ходими, милиция лейтенанти.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
NBU
*Баҳор байрами Наврўзга бағишлаб, "Сўм карточкаси" омонатларининг соврини ўйинини ўтказади.*
Тиражда 2002 йил 21 мартга қадар очилган барча сўм карточкалари қатнашади.
ЮТУҒИНГИЗ 10.000 СЎМДАН 500.000 СЎМГАЧА БЎЛИШИ МУМКИН.
*Ўйин 2002 йил 28 мартда бўлади.*
*Тираж натижаларини Миллий банкнинг барча муассасаларида сўраб билишингиз мумкин.*

*Супермаркетлар, дўконларда товарлар харид қилаётганингизда, ресторанлар, маиший хизмат корхоналари, уяли алоқа компаниялари, авиа ва темир йўл кассалари, автомобилга ёнилғи қуйиш шахобчаларининг хизматларидан фойдаланганингизда Ўзмиллийбанк сўм карточкалари ёрдамида улар ҳақини тўлаш чоғида қулайликни ҳис этасиз.*
Сўм карточкаларини сиз Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг барча бўлим ва филиалларидан бепул олишингиз мумкин.
Мулоқот учун телефонлар: 137-62-80, 137-62-83.
www.nbu.com



ПетроВЕС®
www.petroves.ru
электрон тарозилар

Автомобиль, вагон, стол ва платформа тарозилари.
Сотув, сервис хизмати ва таъмирлаш
Расмий дистрибьютор
UCD Micros®
www.ucdgroup.com E-mail: ucd_sale@yahoo.com; micros@ucd.uz
С. Азимов к., 72-"а".
120-6861, 120-6862, 132-0661, 133-9913, 132-0685.
UCD Group MICROS
4995/2335


Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Мирзабековга волидаи муҳтарамаси

**САОДАТ онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети раҳбарияти ва Геология факультети декани, Минералогия кафедраси мудири бўлиб ишлаб кетган доцент

**Турғун ЗОКИРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Тасвирий санъат факультети, Китоб графикаси кафедраси профессори Қутлуғ Башаровга ва унинг оила аъзоларига фарзанди

**Жонбулат БАШАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Миллий китоб палатаси жамоаси республикада хизмат кўрсатган маданият ходими

**Муаззам РАҲМЕТОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоаси умумиқтисодиёт мутахассисликлари сиртқи факультети декани, доцент Маҳамадамин Юсуповга акаси

**Эркин ЮСУПОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Халқаро молия ва банк иши кафедраси мудири профессор

**Сайман БЕРЖАНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 83,
34610 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.00.*
1 2 3 4 5 6